

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Ўринов Нодирбек Зокирович

Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва
бошқаришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: О.С. Камолов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Чет эл инвестицияларининг мазмуни ва туркумланиши	9
1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизими	16
1.3. Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишлари	25
1-боб бўйича хулоса	28
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ	30
2.1. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури ташкилий- ҳуқуқий тизим сифатида	30
2.2. Иқтисодийни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодийига хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикаси ва истикболлари	34
2.3. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари	48
2-боб бўйича хулоса	57
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	59
3.1. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш	59
3.2. Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини такомиллаштириш йўллари	69
3.3. Инвестиция фаолиятини бошқариш муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари	75
3-боб бўйича хулоса	85
Хулоса ва таклифлар	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92
Иловалар	96

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Дунё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибасидан яхши маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти уни ривожлантиришнинг объектив қонуниятлари, мавжуд иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, шу мамлакатда яшаётган халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури, миллий кадрият ва анъаналари, маънавий бойликлари тўла ҳисобга олинган, пухта иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожлана олади.

Инвестиция соҳаси — миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан биридир. У кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг суръатлари ва куламига фаол таъсир кўрсатади, илмий техникавий тараққиётни ва аҳолининг анча қисмини бандлигини таъминлайди. Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар республика ишлаб чиқариш кучларининг оқилона жойлаштирилиши ва ривожланиши кўпчилик ҳолларда унинг қай аҳволда эканлигига боғлиқдир.

Инвестиция соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳозлаш жараёнида устувор вазифалардан бири бўлиб, Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизга олиб кирилаётган инвестициялар тўғрисида шундай деди: “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади. Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса,

шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир”¹. Бундан кўрамизки Ўзбекистон ҳам халқаро капитал ҳаракатига тобора кўпроқ тортилмоқда.

Ўзбекистонда стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди.

Шу билан бирга мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш учун катта капитал маблағлари зарур. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос ва мукамал ташкилий-ҳуқуқий тизimini ишлаб чиқиш лозим. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг долзарб масалалар мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари давлатимизнинг ривожланиш дастурларида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда инвестицияларнинг нечоғли аҳамият касб этишини таъкидлаш керак. Чунончи, устувор йўналиш сифатида чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

лозимлигини айтиб ўтиш керак. Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб танланган мавзу бугунги кун нуқтаи назаридан долзарблик касб этади.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш ва инвестиция муҳитини яратиш, инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш борасида кўплаб илмий ишлар қилинган. Бу борада бир қатор асарлар яратилган ва амалда бир қатор ишлар қилинмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммолари хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилмоқда. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Гуломов С.С., Ҳикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Алимов А.А., Маҳмудов Э.Х., Назарова Г.Г., Очилов М.Ф., Расулев А.Ф., хорижлик олимлар Ф.А.Хаека, Ф. Фукуяму, К.Ясперс Роберстон Б., Баклей М., Мартин, россиялик олимлар Авдокушин Е.Ф., Ливенцев Н.Н., Кругман А.А. ва бошқа иқтисодчи олимлар капитал миграцияси, инвестицион сиёсат, иқтисодиётни модернизация қилиш муаммолари борасидаги асарларидан фойдаланилган ҳолда кўрилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётни ривожлантириш, модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида инвестицияларни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш йўналишлари хусусида назарий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

❖ Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини, Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишларини ўрганиш;

❖ Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини таҳлил қилиш;

❖ иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикасини таҳлил қилиш;

❖ Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситаларини ўрганиш;

❖ Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

❖ инвестиция фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертациясининг объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳисобланади. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини ривожлантириш йўналишлари ва хусусиятлари илмий ишнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари - қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асар ва маърузалари, мамлакат ҳукуматининг халқаро инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қарорлари, шунингдек мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг халқаро иқтисодий муносабатларга, жаҳон иқтисодиётига оид асарлари ва вақтли нашрлардаги мақолалар.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг асосий натижаларидан мамлакатимизнинг халқаро инвестицион ҳамкорлигини ривожланиши орқали жаҳон хўжалик тизимига интеграциясида, республикамызда инвестицион фаолиятни такомиллаштиришда, шунингдек “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро савдо” каби махсус фанлардан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Белгиланган вазифаларни ҳал этиш мобайнида қуйидаги назарий-амалий янгиликларга эришилди:

❖ Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими сифатида Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурининг мазмуни, уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни таҳлил этилди;

❖ иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикаси ва истиқболлари таҳлил этилди;

❖ Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг биринчи бобида чет эл инвестицияларининг мазмуни ва туркумланиши, Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизими, давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишлари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури ташкилий-ҳуқуқий тизим сифатида, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикаси ва истиқболлари, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи бобида Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини такомиллаштириш йўллари, инвестиция фаолиятини бошқариш муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Диссертацияда Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими, Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни жалб этиш динамикаси таҳлил этилган, инвестиция фаолиятини бошқариш муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган ва умумий хулосалар берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Чет эл инвестицияларининг мазмуни ва туркумланиши

Маълумки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бошқа давлатлар билан ҳамкорликсиз самарали амалга оширилиши мумкин эмас. Чунки ҳар бир давлат қайсидир соҳада устунликка эга ва ўзаро иқтисодий муносабатлар ана шу устунлик асосидаги манфаатли муносабатларни вужудга келтиради. Давлатлар ўзаро иқтисодий муносабатга кирганда ташқи савдонинг ривожланиши билан бирга биз халқаро капитал ҳаракатининг асоси бўлмиш инвестициялар ҳаракатини кўрамыз.

«**Инвестиция**» атамаси латин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни қўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.² Ёки унга яна қуйидагича таъриф ҳам бериш мумкин, яъни «инвестиция» деганда келгуси фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддада хорижий инвестицияга қуйидагича таъриф берилган:

² Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Неъматов И.У. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2009.

Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **чет эл инвестициялари** деб эътироф этилади.³

Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Бизнингча, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир.⁴

Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича берилган: «**Хорижий инвестициялар** - бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар».⁵

У.Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда эса, инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланаётган иқтисодиётда эса, инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг асосий қисмларининг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».⁶

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш ҳозирги бозор шароитида муҳим ўрин тутди. Инвестициялар ишлаб чиқаришни

³ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 3-модда

⁴ Д.Ғ.Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Молия.2003.

⁵ Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, P.387.

⁶ Шарп У. , Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с англ. М: ИНФРА-М, 2007.

ривожлантириш мақсадида мамлакатда ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узок муддатли капитал киритиш (қўйилмалар) деган маънони билдиради.⁷

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади. Хорижий инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: капитал қўйилмалар, инновация ва ижтимоий инвестиция.

«**Капитал қўйилмалар**» деганда эса, янги объектларни қуриш, амалда фаолият юритаётган корхоналарни таъмирлаш, техник қайта жихозлаш ва кенгайтириш ҳамда машина ва ускуналар, инструментлар сотиб олиш, лойиҳа-қидирув ишлари билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси тушунилади.

Капитал қўйилмалар орқали асосий фондларни модернизациялашга, корхонанинг меҳнат унумдорлиги ошишига эришиш мумкин. Капитал қўйилмалар тушунчаси инвестиция тушунчасига нисбатан торроқ тушунча, капитал қурилиш тушунчасига нисбатан эса кенгрокдир. Капитал қўйилмалар фақат қурилишга сарфланмасдан балки янги технологиялар, яъни асосий воситалар сотиб олиш учун ҳам йўналтирилади. Капитал қўйилмалар инвестицияни таркибий қисми бўлиб, тўғридан-тўғри асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш учун йўналтирилган қисмини ташкил этади.

Инновация инвестициялар жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

⁷ Щегорцов В.А., Таран В.А. Мировая экономика. Мировая финансовая система. Международный финансовый контроль: Учебник.. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

Реал инвестициялар— асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликлар. Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Реал инвестициялар орқали ишлаб чиқариш корхоналари қурилади, ҳаракатдаги корхоналар техник қайта қуроллантирилади ва умуман асосий фондлар такрор ишлаб чиқарилади.

Молиявий инвестициялар деб, қимматли қоғозлар (акция, облигация) сотиб олишга ва банк депозитларига узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалар тушунилади.

Инвестор портфелли (молиявий) инвестицияни амалга ошириш орқали қимматли қоғозлардан (акция, облигациялар) даромад (дивиденд) олиб, ўз молиявий капиталини ўсишига эришади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ривожланиб бориши билан қимматли қоғозлар бозори тараққий этиб, молиявий инвестициялар қўйиш жараёни фаоллашади. Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш ва молиявий бозорнинг ривожланиши минтақага чет эл инвестицияларнинг катта ҳажмда кириб келишига имконият яратади.

Молиявий инвестициялар икки хил кўринишида бўлади. Акцияларни сотиб олиш реал моддий кўринишдаги капитални яратмайди. Лекин келажакда спекулятив кўринишда фойда олиш мумкин бўлади. Акцияларни сотишдан тушган маблағни ишлаб чиқариш учун, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун сарфлаганда у реал капиталга айланади ва реал инвестиция кўринишини олади. Шу сабабдан қимматли қоғозларни олди-сотди операциялари натижасида олинadиган спекулятив фойда келтирувчи молиявий инвестициялар ва қимматли қоғозларни сотиш натижасида пул кўринишдаги реал молиявий инвестицияларни фарқлаш лозим. Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди.

Инвестицияларни чуқур ўрганиш учун, аввало, уни белгилари бўйича туркумлаш лозим.

Инвестициялашда қатнашиш характериға кўра қуйидагиларға бўлинади:

— тўғридан — тўғри инвестициялар (асосан объект аниқ бўлган, маълум мақсадни амалға ошириш реал бўлган тақдирда йўналтириладиган маблағлардир);

— билвосита инвестициялар (булар воситачилар орқали объектларға сарфланади ва олинган даромад мижозлар ўртасида тақсимланади).

Инвестициялар давриға қараб қуйидагиларға бўлинади:

— қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача бўлган қисқа муддатли омонат сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар);

— узоқ муддатли инвестициялар (бир йилдан ортиқ муддатларға қўйилган капитал, пул маблағлари).

Инвесторларнинг мулк шакллариға кўра инвестициялар қуйидагиларға бўлинади:

— хусусий инвестициялар (шахслар, фуқаролар, нодавлат корхоналари томонидан қўйилади);

— давлат инвестициялари (марказий ва маҳаллий ҳукумат бошқариш органлари томонидан қўйиладиган инвестициялар);

— хориж инвестициялари (чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлатлар томонидан қўйилган инвестициялар);

— ҳамкорликдаги инвестициялар (мазкур мамлакат ва хориж мамлакатлари биргаликда қўядиган инвестициялар).

Худудий белгилар бўйича инвестициялар қуйидагиларға бўлинади:

— мамлакат ичкарасида ёки худудларға қўйиладиган инвестициялар;

— хориж мамлакатлари ишлаб чиқаришиға инвестициялар қўйиши (хориж инвестициялари пул маблағлари ёки акция шаклида ҳам бўлиши мумкин).

Инвестиция уларни йўналтирилиши кўп жиҳатдан инвестиция бозорини ҳар томонлама ўрганиш, унинг прогнози (олдиндан тахмин қилиш) билан

узвий боғлиқдир. Инвестиция бозори инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради.

Инвестиция бозори — инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементларига талаб, таклиф, рақобат ва баҳо киради. Бу элементлар доимо ўзгариб туради, бу ўзгариш иқтисодиётдаги ва бозор ичидаги омиллар таъсирида юз беради. Ҳар бир инвестор учун инвестицияга бўлган талабни ўрганиш, инвестиция бозорини таҳлил этиб, бунинг заминида ўзининг инвестиция дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.⁸

Инвестиция бозори тузилишига кўра 2 қисмга бўлинади:

1. Реал объектларни инвестициялаш бозори. Бу бозор таркибига:

— тўғридан—тўғри капитал маблағларни йўналтириш бозори;

— хусусийлаштирилаётган объектлар бозори;

— кўчмас мулк бозори;

— бошқа объектларни реал инвестициялаш.

2. Молиявий инвестициялаш инструментлари бозори фонд бозори ва пул бозорига бўлинади.

Инвестициялар ким томонидан киритилишига қараб 2 турга бўлинади:

1. Ички инвестициялар.

2. Ташқи инвестициялар.

Ички инвестициялар — бу мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади.

Ташқи инвестициялар — бу фойда олиш мақсадида чет эл инвесторлари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир.

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функцияларни бажарадики, уларсиз ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини нормал ривожлантириш мумкин эмас.

Макродаражада инвестициялар:

⁸ Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

1. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсатини амалга оширишда;
2. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини оширишда;
3. Соғлиқни сақлаш, маданият, таълимни янада ривожлантириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ечишда;
4. Ишсизлик муаммосини ечиш ёки енгиллаштиришда;
5. Ҳарбий-саноат комплексини конверсия қилишда;
6. Давлатнинг ҳарбий қудратини таъминлашда ва бошқа муаммоларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади.

Микродаражада инвестициялар:

1. Ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;
2. Асосий фондларни жисмоний ва маънавий эскиришига йўл қўймаслик;
3. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
4. Корхона маҳсулотини рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш;
5. Қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига ўз маблағини сарфлаш мақсадларига эришиш учун зарурдир.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, инвестициялар иқтисодий категория сифатида макро ва микродаражада муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатда инвестиция фаолияти аҳволини қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси характерлайди:

1. Инвестицияларнинг умумий ҳажми;
2. Ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) инвестицияларнинг улуши;
3. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида реал инвестицияларнинг улуши;
4. Реал инвестицияларнинг умумий ўсиши;
5. Асосий капиталга йўналтирилган реал инвестицияларнинг улуши ва бошқалар.

Бундан ташқари, инвестиция фаолиятининг қандай ҳолатда эканлиги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси билан ҳам характерланади:

1. Миллий даромад;
2. ЯИМ ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);
3. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми;
4. Саноат маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқариш;
5. Ишлаб ҳажми ва бошқалар.

Айрим экспертларнинг баҳолашларига кўра, ҳар 3% инвестиция миқдорининг тушиши 1% ЯИМни камайишини билдиради.

1.2. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизими

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар)гача бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо қилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан инвестиция

фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характери ва моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларида иборат.

Инвестиция фаолияти предметининг кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш давридаги аҳамияти бу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида қонунлар қабул қилинишини талаб қилади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда қуйидаги асосий қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юриши кенгайган шароитларда инвестиция фаолияти, бир томондан, миллий, иккинчи томондан, халқаро инвестиция муносабатларини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими асосида тартибга солиш йўли билан амалга оширилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятини тартибга солишдаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, чет эл инвесторларига инвестициялашнинг барча турлари ва шаклларида миллий тартиботни бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвестицияларининг кириб келишини тезлаштиради.

Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестицион муҳити хорижий инвесторларни Ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган ва тақдим этилган бир қатор меъёрлар ва кафолатлар, имтиёз ва преференциялар тизими билан тавсифланади.⁹

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 159-модда):

- асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда;

- ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳозлар харид қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни

⁹ <http://www.mfer.uz/>

чегирган ҳолда йўналтирилган маблағлар суммасига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳозлар бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил ичида амалга оширилади. Янги технология жиҳозлари улар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши фойдадан олинадиган солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади;

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод этилади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-209, 211-моддалар):

- мулкни реализация қилиш оборотлари, давлат мулкани приватизация қилиш тартиб асосида;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

- инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилатган мол-мулк;

- молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоииз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилатган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса.

Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин

берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

- инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари олиб кириладиган мол-мулк;

- болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет-эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб-чиқаришида фойдаланиш учун олиб кираётган хом аше, материаллар ва ярим маҳсулот.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 269-модда):

- кредит ҳисобидан олинган асбоб-ускунанинг, уни фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йилга, лекин кредитни узиш учун белгиланганидан кўп бўлмаган муддатга;

- лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга;

- ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йиллик муддатга. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши мол-мулк солиғини тўлаш мажбуриятлари имтиёз қўлланиладиган бутун давр учун тикланган ҳолда, бекор қилинади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 269-модда):

- янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналарнинг уларга қарашли алоҳида ва таркибий бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар узурида

ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, агар мазкур юридик шахслар ушбу корхоналардан ижарага олинган асбоб ускуналарда ишлаётган бўлса, қўлланилмайди.

Бож ундиришдан қуйидагилар озод қилинади («Бож тарифи тўғрисида» 33-модда):

- чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол мулк;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиетига умумий суммаси эллик миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган тўғридан-тўғри инвестицияни амалга оширган чет эллик юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар, башарти олиб кириладиган товарлар уларнинг ўз ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлса;

- маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишлар олиб бориш учун мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган чет эллик инвестор ёки бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек инвестор томонидан олиб кириладиган, маҳсулот тақсимотида оид битимга мувофиқ инвесторга тегишли бўлган маҳсулот;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланиб рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик жиҳозлар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик жиҳоз олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил ичида экспортга реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёзлар қўлланилган бутун давр учун бож тўлаш мажбуриятлари тикланган ҳолда бекор қилинади.

Чет эллик инвесторларни ҳимоя қилишнинг умумий кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда қонун ҳужжатларида қўшимча, шу жумладан, шериклар томонидан чет эллик инвесторлар олдидаги ўз мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилиши мумкин.

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сонли қарори):

- барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиетида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

- республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, Республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

- амалга оширилиши хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

- қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёз ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.

Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.¹⁰

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини

¹⁰ <http://www.mfer.uz/>

такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истикболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва янада иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда.¹¹

¹¹ <http://www.mfer.uz/>

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими такомиллаштирилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

Қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.¹²

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси, «Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига асосан қонунчилик ҳужжатларида айрим қоидалар бир-бирига мос келмаса ва улар зиддиятли ҳолатни юзага келтирса, бундай ҳолда хорижий инвестор учун энг қулай ҳолатни юзага келтирувчи ҳужжат кўпроқ кучга эга бўлади.

1.3. Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишлари

Давлат инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилади. Давлат инвестиция сиёсати мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция иштирокчиларининг

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрел “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислохотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади – иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашга концентрациялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш. Давлат инвестиция сиёсатини юритишда доимий равишда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бормоқда.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатининг ривожланиши қуйидаги III босқични ўз ичига олади.

1-босқич: 1991-1994 йиллар. Бу босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- турли мулкчилик шакллари яратиш борасидаги инвестицион жараён номарказлаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди;

- хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;

- хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

2-босқич: 1995-2003 йиллар. Бу босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- конунчилик базаси яратилди;

- конкурс асосида лойихаларни молиялаштиришга ўтилди;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди;

- иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритиш кучайтирилди;

- инвестицион лойихаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

3-босқич: 2003 йилдан ҳозирги давргача. 3-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилган:

- валюта муносабатлари ва операциялари эркинлаштирилмоқда;

- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;

- корхоналарнинг техник қуроллантирилиши кучайтирилмоқда;

- экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойихаларни молиялаштиришга устуворлик берилмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йуналишга таянади:

1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

2) маблағларни давлат бюджети орқали туплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда

ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига караганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги эътиборга олинмоқда.

1-жадвал. Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизими

Бошқарув даражаси	Бошқарувчи орган	Бошқарув объекти ва субъекти	Бошқариш мақсади	Бошқариш механизми
Қонунчилик соҳаси	Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия Вазирлиги	Иқтисодиёт – тадбиркорлик субъектлари ва инвестицион муҳит	Қулай, самарали инвестицион муҳит яратиш	Қонунлар ва меъёрий ҳужжат-лар
Молиявий - иқтисодий соҳа	Молия вазирлиги	Инвестицион-инжиниринг хизматлари бозори	Инвестицион фаолиятни назорат этиш	Ҳимоявий ва жазо чоралари
Функционал соҳалар	Марказий банк, ТИАЭ, ДСК, ДБК, Ўзстандарт, суғурта ташкилотлари	Пул-кредит бозори, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, стандартлаш, суғурталаш, солиқ ва божхона қонунчилиги ижроси	Инвесторлар иқтисодий муносабатларини назорат этиш	Тартиблар, йуриқномалар, стандартлар, қарорлар

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун маъсул бўлган давлат ташкилоти бу Молия вазирлигидир. Айнан Молия вазирлиги бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан ҳамкорликда Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради.

1-боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига кўра “Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча

турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари” деб эътироф этилади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда қуйидаги қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Давлат инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади – иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашга концентрациялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастури ташкилий- ҳуқуқий тизим сифатида

Давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади.¹³

Ўзбекистон Республикасида 1996 йилдан бошлаб республика ҳукумати ҳар йили давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитлари, чет эл инвестициялари ва ҳукумат кафолатлари билан олинган кредитлар ҳисобига аниқ қурилишлар дастури, шунингдек, бевосита чет эл инвестиция ва кредитлари ҳисобига қурилишлар дастуридан иборат бўлган Давлат инвестиция дастурини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва

¹³ Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвестициялар ҳақида"ги Қонуни, 1998 й., 30-апрел, 3-модда.

хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфраструктуранинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир.

Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат сиёсатининг бу соҳаси унинг тегишли идоралари томонидан ушбу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестиция дастурининг ташқи томони ҳам бор бўлиб, у иқтисодиётни замонавий техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида жадал ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишни ўз ичига олади. Бу вазифани қўшма корхоналар барпо қилиш, яъни тўғридан-тўғри хорижий хусусий инвестициялардан фойдаланиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари долзарблашади. Аниқ, самарадор ва ҳаётий риоя қилинадиган қонунларига эга бўлган очиқ ва либерал инвестиция дастури хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қудратли куралидир. Бундай сиёсатни ишлаб чиқиш республиканинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Хорижий инвестиция фақат ишлаб чиқариш ва бозор ривожланган шароитда, яъни халқаро бозордаги сармоя экспорти бунгача мавжуд бўлган товарлар экспортдан юқори бўлганда пайдо бўлади.

Инвестицияларнинг миқдорий ўсиши ички инвестиция дастури (мблағларни ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига сафарбар қилиш) воситасида таъминланади. Инвестициялар сифатининг ўсиши ички (фан ва техника ютуқларини тадбиқ қилиш) ва тегишли ташқи

инвестиция дастури (хорижий инвестициялар-техник таркиби ва хусусиятига кўра юқорироқ бўлганларини жалб этиш) воситасида таъминланади. Ички инвестиция дастури ҳам ташқи инвестиция дастури ҳам, ҳар иккаласи инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутди. Инвестиция дастурининг моҳияти ва мазмуни энг қулай ҳуқуқий воситаларни топиш – инвестиция жараёни ва инвестицияни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Рационал инвестиция дастурини амалга ошираётган давлат ихтиёрида ҳуқуқий тартибга солишнинг икки воситаси мавжуд: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий. Давлатнинг ташқи инвестиция дастури ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдан иборат бўлиб, бу миллий ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқий шакллар ва нормалардан (қонунлар ва бошқа меъёрий актлар) ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибот, халқаро-ҳуқуқий шакл ва нормалардан (икки ва кўп томонлама шартномалар ва битимлар) фойдаланишни назарда тутди. Буларнинг барчасида ҳам ички ҳам ташқи инвестиция сиёсатлари ҳисобга олиниши шарт.

Инвестиция дастурининг аниқ мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган асосий вазифаси давлатнинг жамиятда моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инвестиция маблағларини сафарбар қилиш бўйича фаолият юритишидан иборат. Инвестиция фаолияти (ингл. investment activity) – бу инвестиция киритиш ва инвестицияларни амалга ошириш бўйича олиб бориладиган амалий ҳаракатларнинг йиғиндисидир¹⁴.

Инвестиция дастури алоҳида давлатлар томонидан инвестиция муносабатлари субъектларининг (давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий) инвестиция фаолиятини кучайтириш мақсадида чоралар тизимини назарда тутди. Инвестиция фаолияти эса унинг субъектларининг инвестицияни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари

¹⁴ Парлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для ВУЗов, М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995, 194-с.

йиғиндисидир. Инвестиция фаолияти тушунчаси инвестиция дастури тушунчасининг таркибий қисми бўлиб, буни Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция фаолияти ҳақида»ги қонунининг 14 ва 15 моддаларида ўз аксини топган.

Инвестиция дастури товар-пул муносабатларини такомиллаштириш шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур сиёсат ривожланган товар-пул муносабатларида унча катта аҳамиятга эга эмас. Чунки ўз-ўзини бошқарувчи иқтисодиёт шароитида инвестиция дастури асосан тартибга солувчи аҳамиятга эга бўлади. Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастури ҳар йили ишлаб чиқилиб, молиялашнинг асосий манбалари асосида инвестицион лойиҳаларнинг керакли рўйхатини ўз ичига олади.

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилий дастурига киритишнинг зарур шартлари мавжуд:

- техник - иқтисодий асосларнинг мавжудлиги;
- шартномада кўрсатилган кредитларнинг вақтида қопланганлиги ва молиялаштириш манбалари тасдиғининг мавжудлиги ҳам зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 420-сонли “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси инвестицион дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг муҳим қисми бўлиб давлат инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттиради. Дастурнинг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётини динамик ривожланишига, Ўзбекистон иқтисодиётнинг зарур структуравий ўзгаришларни амалга оширишга, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар асосида жаҳон иқтисодий тизимида кенг интеграцияси, табиий минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳисобланади.¹⁵

Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹⁵ «Экономическое обозрение» 2007, 07(94), 25-bet. www.review.uz

- капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ёрдамида прогноз қилиш;

- муҳим инвестицион таклифларнинг таққослама рўйхати;

- инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастури.

Дастур қуйидагиларни амалга оширишга йўналтирилган капитал қўйилмалар прогнозини ўз ичига олади:

- табиий минерал хом ашё молиявий моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш;

- давлат бюджети республиканинг ички ва ташқи қарздорлиги билан боғлиқлиги;

- молиявий маблағлар билан тасдиқланган объектларни ва кредитлар қайтарилиши, шунингдек, қурилиш ва қуриш материаллари саноатидаги кучларнинг баланслаштиришни киритиш;

- иқтисодий ва экологик жиҳатдан асосланган янги корхоналарни жойлаштириш ва регионларнинг комплекс ривожланишини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритувчи корхоналарда қўшимча кучларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш инфраструктурасидаги ва меҳнат ресурсларидаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастурининг молиялаштиришда асосан хорижий инвестициялар катта ўрин эгаллайди.

2.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикаси ва истиқболлари

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол

инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади ¹⁶.

Бироқ, юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”¹⁷.

2-жадвал. Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми, млн. АҚШ доллари ¹⁸

Йиллар	Киритилаётган инвестициялар ҳажми
2000	24,9
2001	96.5
2002	80.1
2003	166.7
2004	333.8
2005	545.5
2006	683.8
2007	768,4
2008	1258
2009	2264
2010	3107,9
2011	3832,4
2012	3718,65

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

¹⁶ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

¹⁷ И.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

¹⁸ www.stat.uz

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2012 йилда жалб этилган хорижий инвестициялар 3718,65 млн АҚШ долларини ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3-жадвал).

3-жадвал. 2005-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши
(фоизда)


Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга қадар пасайиш режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга қадар кўтарилиши режалаштирилган. 2012 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 25,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 42,6 фоизни ташкил этган.

Давлатимизнинг иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга ва уни рағбатлантиришга қаратилган. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан инвесторларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал-хомашё ресурслари, етарли миқдордаги

малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик шулар жумласига киради.



1-расм. 2008-2013 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ўзлаштириш динамикаси (млн. АҚШ долл.)¹⁹

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики,

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (1-расм).

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074.97 миллион АҚШ доллар кўп эканини кузатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоиздан кўпроғи демакдир.

4-жадвал. 2012 йил давомида республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар


Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори (млн.долл):	3718,65
I. Давлат инвестиция дастури доирасида жами	3277,55
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;	2526,56
- Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар.	750,99
II. Худудий инвестиция дастури доирасида: (<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>)	441,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий

инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.²⁰

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.



2-расм. 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар тармоқ таркиби ²¹

²⁰ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг энг кўп улуши – 55,5 % нефт-газ тармоғига тўғри келади, кейинги ўринларда алоқа, ахборотлаштириш (7,4%), энергетика (5,0 %) тармоқлари туради.

5-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари


№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2012 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан:	
	- Республика йўл жамғармаси	1 431 777
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	680 796
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	158 147
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 701 901
	<i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	<i>301 564</i>
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	3 524 824
	<i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	<i>222 070</i>
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.

2012 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал

қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган эди (5-жадвал).


Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.



3-расм. 2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар таркиби, млн АҚШ долл. ²²

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2012 йилда 2006 йилга қараганда тўрт баробарга кўпайган. 2012 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 79 фоиздан ортиғини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.




4-расм. 2012 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар географияси ²³

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш географиясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2012 йилда тўғридан тўғри хорижий сармояларнинг 35,6 % - Хитойга, 26,79 % - Россияга, 19,5 % - Жанубий Кореяга тўғри келади.

Молиялаштириш ҳажмида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон таъмирлаш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молиявий институтларнинг қарз маблағлари катта улушга эга (5-расм).

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



5-расм. 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар таркиби ²⁴


Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади ²⁵.

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миқдори 441, 1 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жами инвестицияларнинг 22,3 % (98,5 млн АҚШ долл) Буюк Британияга, 15,4 % - Хитойга (68,1 млн АҚШ долл) тўғри келади.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

²⁵ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

– 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ тақсимоотида энгил саноат, хизматлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, металл қайта ишлаш тармоқлари етакчилик қилиб келмоқда (6-расм).



6-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ таркиби ²⁶


Масалан, 2012 йилда Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган энг кўп тўғридан тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги тармоқларга киритилган:

- энгил саноат тармоғига умумий ўзлаштирилган инвестицияларнинг 18,9 % (83,3 млн долл.);
- хизматлар соҳасига – 15 % (217,51 млн. долл.);
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига – 14,4 % (44,85 млн. долл.);
- кимё ва нефть-кимё тармоғига – 11,7 % (44,85 млн. долл.);

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

- озиқ-овқат саноатига – 10,0 % (44,85 млн. долл.);
- металлни қайта ишлаш тармоғига – 2,96 % (44,85 млн. долл.).

Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳудудий тақсимотини кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилояти етакчилик қилиб келмоқда (7-расм).



7-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ²⁷

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жами 474 та хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги анъанавий равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилоятига тўғри келади (5-жадвал).

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

5-жадвал. 2012 йилги Худудий инвестиция Дастури доирасида хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар

Худудлар номи	Лойиҳалар сони (дона)	Жалб қилинган хорижий инвестициялар (млн.долл)
Республика бўйича	474	441,1
Тошкент шаҳри	221	183,1
Тошкент вилояти	64	75,5
Фарғона вилояти	35	31,0
Қашқадарё вилояти	10	25,9
Андижон вилояти	27	24,9
Сирдарё вилояти	13	23,7
Самарқанд вилояти	24	15,8
Сурхондарё вилояти	13	13,8
Наманган вилояти	14	12,5
Қорақалпоғистон Рес.	12	10,2
Хоразм вилояти	6	8,9
Навоий вилояти	11	7,1
Бухоро вилояти	12	4,8
Жиззах вилояти	12	4,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Юқоридаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганлигидан, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганлигидан дарак беради.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши юксак даражада тараққий этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлган. Аммо яна бир ҳақиқат мавжудки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш ҳам мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин.

Шу сабабли республика иқтисодиётига давлат бюджети маблағлари, корхоналарнинг ўз маблағлари ва аҳоли жамғармаларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда 2006 йилда ташкил қилинган, бугунги кунда 3 миллиард 700 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Фонд активлари бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлиб, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2013 йилда 1 632 833 сўм сарфланиши режалаштирилган.

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривож, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш в амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осий тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислон тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2

миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди²⁸.

"Бугунги кунда иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб - китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз.

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари - 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Дастурга киритилиши мулжалланаётган бу лойиҳалар авваломбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради"²⁹.

2.3. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодий доирасида,

²⁸ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. – 58-59 б.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи 30 январ 2010 й.

балки халқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида инвестиция муносабатларида ҳам давлатнинг, ҳам ўз манфаатларини амалга оширадиган субъектлар иштирок этиши сабабли улар мулкчилик хусусидаги муносабатлар мажмуидан иборат бўлади. Халқаро инвестиция муносабатлари айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, халқаро молия ва кредит муассасалари, якка инвесторлар ва шу кабилар манфаатларининг рўёбга чиқишини ифода этади.


Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ТХИни янги лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялари, шу жумладан тўғридан-тўғри хусусий сармоялар оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб, тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, ТХИ оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма

турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам камраб олади. Давлат харажатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини кучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади. Солиқларни тартибга солиш макроиқтисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Солиққа тортишда имтиёзлар, асосан, микроиқтисодиётга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Юқорида кўриб ўтган функциялар солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўللар билан амалга оширилади (8-расм).

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда солиқларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан, Япония, Тайвань, Жанубий Кореяда ўтиш даврида солиқ протекционизмдан унумли фойдаланилган. АҚШда «буюк депрессия»ни бартараф этиш даврида ҳам худди шундай бўлган.



8-расм. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари

Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари турларидан бири инвестиция солиқ кредити ҳисобланади. АҚШда солиқ имтиёзининг бу тури 1962 йилдан то 1986 йилга қадар қўлланилган. Бунда чегирма миқдори ускуна-жиҳозлар тури ва уларнинг хизмат муддати бўйича табақалаштирилган. Бу имтиёзнинг вариантларидан бирида АҚШ ишлов берувчи саноатидаги корпорациялар фойда солиғини ишга туширилган ва хизмат муддати 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ускуналар қийматининг 7 фоизи миқдорида, хизмат муддати камроқ бўлган ускуналарни ишга туширилганлик учун камроқ миқдорларда қисқартириш ҳуқуқини олдилар.

Японияда, масалан, саноат компаниялари илғор техника ва технологияга қилинган инвестицияларнинг 7 фоизига тенг миқдорда фойда солиғини қисқартириш ҳуқуқига эга. Канадада бундай чегирма илғор техникага қилинган инвестицияларнинг 7 дан 20 фоизигача миқдорини ташкил қилади.

Солиқ кредити кўринишидаги имтиёзлар тадбиркорликнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар (ИТТКИ) ҳаражатларига татбиқан ҳам кенг қўлланилади. Бир қатор мамлакатларда солиқ кредити компанияларнинг фойда солиғидан бу компанияларнинг ўтган йил ёки базис давр учун ўртача йиллик меъёрларга нисбатан ИТТКИ ҳаражатлари ўсишининг муайян ҳиссасини чегириш кўринишида амал қилади (АҚШда – 20 фоиз, Францияда – 50 фоиз, Японияда – 20 фоиз, Канадада 100 фоиз ва ундан юқори).

Ғарб мамлакатларида солиқ имтиёзлари, биринчи навбатда инвестициялар ва илмий техника фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек айрим тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун жорий қилинади. Уларнинг ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш, техника билан қайта жиҳозлаш учун шароитлар яратилади. Инвестиция, илмий-техника фаолиятини, тадбиркорликни бутун мамлакат доирасида, минтақа миқёсида ва айрим фаолият соҳалари бўйича

рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари энг барқарор имтиёзлар ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодий ривожланган кўпгина мамлакатлар фақат капитални эмас, балки ишлаб чиқаришни ҳам ўз мамлакати чегараларидан четга чиқаришни афзал кўрадилар. Шубҳасиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун тегишли солиқ имтиёзлари, чет эллик инвесторларнинг мулкчилик ҳуқуқини кафолатлаш, фойдани олиб чиқиб кетиш шартларини белгилашда, чет эллик инвесторларнинг мулкни баҳолаш, солиққа тортиш, даромадларни тақсимлаш, инфратузилмани барпо қилишда ва божхона сиёсатини олиб боришда имтиёзлар зарур. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реал амал қиладиган механизмлар бўлмаса чет эл капитали оқимининг кўпайишига умид боғлаб бўлмайди.

Чет эллик инвесторлар инвестициялар киритиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, биринчи навбатда ўзларининг манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиқади. Бунда улар мижоз мамлакатда турли-туман қўшимча рискларни ҳам ҳисобга оладилар.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари давлат томонидан ва қонун билан ҳимоя қилинади. Инвестициялашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилган, инвестиция фаолияти соҳасида республика томонидан имзоланган халқаро шартномалар принципларига мувофиқ чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг базавий шартлари белгиланган. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунида чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Рес-публикасининг худди шундай жисмоний ва юридик шахслари учун тегишли режимдан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Мамлакатда чет эллик инвесторларга кенг имкониятлар яратилган, чунончи, инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар, ускуна-жиҳозлар, уй-жой сотиб олиш, ерни узоқ муддат ижарага олиш, хусусийлаштириш дастурида қатнашиш ҳуқуқлари берилган. Чет

эллик инвестор инвестиция натижалари ва объектларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Яна шу жумлага реинвестиция ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида савдо операциялари ўтказиш ҳуқуқи ҳам киради.

Чет эллик инвестор қарори билан инвестицияларга ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи республика қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин.

Ўзбекистон чет эллик инвесторларнинг республика ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Агар Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шароитларини ноқулайлаштирадиган бўлса, ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади. Ушбу ҳуқуқий меъёр чет эллик инвесторлар нуқтаи назарида ғоят муҳим ҳисобланади. Бу меъёр мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга тааллуқли қонун ҳужжатларини ўзгартиришга татбиқ этилмайди.

Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Чет эл инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларини мустасно қилганда, реквизиция қилинмайди. Чет эллик инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Шу билан бирга, чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистонда олган фойдаси республика ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки мулк эгасининг хоҳишига кўра бошқача тарзда фойдаланилиши мумкин. Улар, шунингдек, ўз


ҳисобварақларидаги миллий валютадаги маблағларидан ички валюта бозоридан чет эл валютасини сотиб олишда фойдаланиши мумкин.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ялпи инвестициялари ҳажмида аҳоли ҳиссаси ғоят паст бўлиб қолаётганлигини, бюджет орқали қайта тақсимланадиган ЯИМ ҳиссаси юқори эканлигини кўрсатади, бу эса инвестицияларни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўқлигидан далолат беради. Шу муносабат билан инвестиция фаоллигини жонлантириш учун солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, иқтисодий ва молиявий усуллар, шунингдек инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари таъсирини кучайтириш талаб этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни лицензия олмай экспорт қилиши ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотларни импорт қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар чет эллик ходимларининг шахсий эҳтиёжлари учун келтириладиган мол-мулк божхона божлари тўлашдан озод қилинган. Савдо-иқтисодий режимнинг умумий принципларини ва инвестициялар соҳасида ҳамкорликни тартибга соладиган халқаро шартномалар тизимининг шаклланаётганлиги муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина етакчи мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида шартномаларни имзолаган.

Қонун ҳужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган.

Мамлакатимиз қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин.



9-расм. Хорижий инвесторларга Ўзбекистон ҳудудида бериладиган кафолатлар

Хулоса қилиб айтганда, 9-расмда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар таъминланади: инвестиция фаолиятининг миллий ва чет эллик субъектлари учун барча қулайликлар; чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларининг давлат кафолатлари, зарур ҳолларда қўшимча кафолатлар ва ҳимоя тадбирлари; миллийлаштиришдан, маблағлардан фойдаланиш кафолатлари; маблағларни ўтказиш кафолатлари, инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари; очиқ ахборотлардан эркин фойдаланиш.

2-боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикасида 1996 йилдан бошлаб республика ҳукумати ҳар йили давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитлари, чет эл инвестициялари ва ҳукумат кафолатлари билан олинган кредитлар ҳисобига аниқ қурилишлар дастури, шунингдек, бевосита чет эл инвестиция ва кредитлари ҳисобига қурилишлар дастуридан иборат бўлган Давлат инвестиция дастурини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга

киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфраструктуранинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибadorликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ташкилий-хуқуқий тизimini такомиллаштириш

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасида муҳим бўлган илк қадамлар ташланди. Иқтисодиётда фаолият юритаётган субъектларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча меъёрий-хуқуқий асослар яратилди. Шунингдек уларнинг фаолиятига қўмаклашиш мақсадида ташкилий ишлар ҳам олиб борилди. Мамлакатда хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, банкларнинг кенг қамровли фаолиятини таъминлаш мақсадида бир қанча меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда бугунги кунда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизimini шакллантириш;
- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолияти давлат томонидан тартибга солинади. Давлат инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш, нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш, монополияга қарши чораларни қўллаш, кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш ва бошқа йўллар билан бундай фаолиятни амалга оширади.


Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи-назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутди. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар)гача бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқ нуқтаи-назаридан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи-назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва

макондаги ҳаракати кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Республикамизда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Чет эл инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ҳолларини мустасно қилганда, реквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Қонун ҳужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган. Республика қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин. Чет эллик инвестор қарори билан инвестицияларга ҳамда уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи республика қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда инвестициялардан фойдаланиш борасида талай ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чора-тадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (10-расм).



10-расм. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси³⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва қўмаклашиш «Ўзинфинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

«Ўзинфинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010

- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;
- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;
- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;
- грант маблағлари.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимошди савдоларига мулкӣ мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга ҳамда қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутиши керак.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

Бунда чет эл инвестицияларининг оқиб киришини рағбатлантириш, шу билан бирга миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб давлат томонидан инвестиция муносабатларини тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, бевосита чет эл инвестициялари оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади.

6-жадвал. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

№	Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
1.	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<i>Қуйидаги жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқарув идоралари, вазирлик ва идоралар ишини ташкил этиш;</i>
2.	Иқтисодиёт вазирлиги	<i>-инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш;</i>
3.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	<i>-мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хорижий инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш;</i>
4.	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	<i>давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида чет эл инвестицияларини тартибга солиш;</i>
5.	Молия вазирлиги	<i>Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш;</i>
6.	Адлия вазирлиги	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш;</i>
7.	Ташқи ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш;</i>
8.	Ички ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш;</i>
9.	Давлат солиқ қўмитаси	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш;</i>
10.	Марказий банк	<i>Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати;</i>
11.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	<i>ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш;</i>
12.	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва	<i>чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш;</i>

	«Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	
13.	«Ўзбекинвестлойиха» миллий инжиниринг компанияси	<i>дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш;</i>
14.	Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	<i>Қимматли қўғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қўғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш;</i>

Манба: Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К.. "Хорижий инвестициялар". Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2009.

Хорижий инвестициялар ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлсада шу билан бирга уларнинг самарадорлиги жиддий муаммолар билан боғлиқ.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қарор топишидаги қисқа давр ичида инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизи яратилди. Бу қонун ҳужжатларида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг ҳуқуқий кафолатлари ва имтиёзлари тизими ўз аксини топди. Хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш мақсадларида қўшимча имтиёзлар берилиши назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Республиканинг экспорт потенциалини кенгайтириш ва валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаш, маҳсулотлар ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан бир қатор қўшимча имтиёзлар, кафолатлар жорий этилди. Хорижий инвестицияларни жалб этишни янада рағбатлантириш, республиканинг ҳар бир минтақасида экспортга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил қилиш йўлида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар қабул қилинмоқда ва амалга оширилмоқда.

Яратилган қулай инвестиция муҳити, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади.

Хорижий инвестициялар, бир томондан, бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, юқоридагилар билан бирга жуда кўп қўшимча рисклар билан боғлиқлиги аниқдир. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, фикримизча, иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектлардан, хорижий инвесторлардан ундириладиган солиқларнинг тартибга солувчанлик амал қилишини кучайтириш орқали таъминлаш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Фикримизча, хорижий инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқдир. Хар бир аниқ шароитда имтиёзли солиққа тортиш режимини ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш фойдалидир.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа - чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йўналишларни таклиф этишдан, ўзаро манфаатлар соҳаларини белгилашдан, инвесторларга кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бевосита чет эл инвестициялари оқимини кенгайтиришга қулай шароитлар яратишда, уларнинг фаолиятини мамлакатлараро айирбошланишидан, қўшимча аниқ ва ноаниқ рискларга дуч келиш

эҳтимолларидан ва капитал оқимининг вақтли концепциясидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш керак. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жами қўшимча рисклар орасида валюта рисклар ажралиб туради. Ҳукумат кафолати билан олинадиган кредитлар ва қарзлар ролининг ошиб бораётганлиги инвестиция муҳитини ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида кескин чора-тадбирлар кўрилишини таъқозо этадики, унга иқтисодиётнинг устувор секторларида солиқ кредитларидан кенг фойдаланишга ўтиш билан эришиш мумкин.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга киритилишини амалдаги асосий шартларини халқаро шартномалар тамойилларига мувофиқ ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим, айрим мамлакатлар ва алоҳида инвесторлар учун имтиёзлар ва рағбатларни устуворликлар ва ҳал қилинадиган вазифаларга қараб белгилаш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида, фикримизча, иқтисодиётнинг катта меҳнат талаб секторларида хорижий инвестицияларни жойлаштиришни рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини белгилаш ва савдо божларини пасайтириш зарур. Бу секторларга инвестицияларни жойлаштириш, аynи пайтда, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳам ҳал этишга қўмаклашади. Бевосита чет эл инвестициялари ҳисобига янги лойиҳаларни инвестициялашда устуворлик давлат секторидаги илмталаб ва капиталталаб тармоқларга берилиши керак. Мамлакатимизга чет эл капиталини кенг миқёсда жалб қилишни ссуда капитали ва қарзлар шаклида эмас, балки бевосита ёки тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари шаклида амалга ошириш лозим. бундай шаклда жалб қилинган чет эл инвестициялари эса иқтисодиётни қарз ва фоииз тўловларидан озод қилади, шунингдек уларни жалб қилиш эвазига ноу-хау, замонавий технолгия, ускуна-жиҳозлар, қўшимча солиқ, ижара ва бошқа тўловларни таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётида сармоялар фавкулотда муҳим рол ўйнайди, ундан ташқари ишлаб чиқаришда янги техника технологияларга эга бўлиш

модернизация қилиш учун йирик капитал қўйилмаларга мухтож, ички сармоялаш эса етмайди. Шунинг учун кенг миқёсида хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида стратегик аҳамиятга эга вазифалардан бири давлат сиёсатини ишлаб чиқишдир.

Сармоялаш жараёнига ягона тизим сифатида асосий фондларни кенгайтириш ва миқдоран кўпайтиришда моддий техника базасини янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни янгиловчи куч сифатида иқтисодиётни самарали ривожлантиришда мамлакатлар учун муҳим омил эканлигини тан олиш керак.

Хорижий инвестициялар жалб этилиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи юқорида айтилган ва бошқа муаммолар ҳал этилса, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиёт ўсиши ҳамда у жаҳон хўжалигига силлик кириб бориши учун қўшимча рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш имконияти яратилади.³¹

Иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Тармоқлар ва ҳудудларда тузилмавий қайта куриш вазифасини ҳал этишда бевосита хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишга, шунингдек Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурини амалга ошира бориб эришиш мумкин, чунки бундай бевосита инвестицияларнинг аксарият қисми фақат давлат кафолати остида кириб келаётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу сабабли, тўғри инвестицияларни ва умуман чет эл инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий ҳудудлар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

³¹ А.Бекмурадов ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари – Тошкент, ТДИУ, 2005 й..

- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга янада кенгроқ жалб этилишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

3.2. Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегияси имкониятларини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқишда, энг аввало, инвестицион муҳитнинг яхшиланишига эътибор бериш лозим. Чунки, Ўзбекистонга хорижий инвестициялар оқими таъсир қиладиган муҳим омиллардан бири - қулай инвестицион муҳит ҳисобланади.

Бунда моҳиятга кўра, ТТХИ учун рақобатлашувчи давлатларга вазифа бўлиб хорижий инвесторлар учун давлат жозибадорлигини ошириш учун рағбатлар пакетини ишлаб чиқиш - калит омилларни топиш ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, ҳаражатларни ва давлатда бизнес олиб боришдаги ғовлар

ва рискларни пасайтириш учун таъсир қиладиган инвестицион муҳитни муҳимлигини камайтирмайди. Шу билан бирга, инвестицион муҳитнинг муҳим аспекти хукумат фаолияти орқали яхшиланиши мумкин: инфратузилмани ривожлантириш, қонуний базани мукаммаллаштириш, мулкдорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, рақобатни рағбатлантириш, молиявий бозорларни либераллаштириш ва ривожлантириш ва бошқалар.

ТТХИга рақобатли кураш шароитида Ўзбекистоннинг омади учун иккита стратегик вазифани ҳал қилиниши лозим.

Биринчи вазифа - "компаниялар имкониятларини аниқлайдиган ва уларда самарали инвестицияларни амалга оширишга, иш жойларини яратиш ва ўз фаолиятларини кенгайтиришга рағбатларни шакллантирувчи ҳар бир маҳаллий омилларга тегишли жами тўпламга асосланган инвестицион муҳитнинг шаклланиши.

Ривожланаётган мамлакатларга нисбатан хорижий инвесторлар диққатини жалб қилувчи бешта омилни келтириш мумкин:

- арзон ва квалификацияли ишчи кучининг мавжудлиги;
- узоқ муддатли режада бозор ҳажми ва ўлчами;
- мамлакатнинг жўғрофик жойлашуви;
- бой табиий захираларнинг мавжудлиги;
- давлат бошқарув органларининг сиёсати ва ҳаракати.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатлар учун инвестицион муҳитнинг калит омиллари яна қонун тизимининг оддийлиги ва мувозанати, сиёсий мувозанат, ташқи савдо режимининг очиқлиги кабилар тегишли бўлади.

Иккинчи вазифа - инвестициялаш асосларини амалга ошириш билан таъминлайдиган шароитлар яратиш орқали ТТХИ оқимини жалб қилиш. Масалан, қуйидагилар каби:

- Ўтказиш бозорларини кенгайтириш асослари (ўз маҳсулотини аниқ давлатга экспорт қиладиган инвестор ушбу товарни ишлаб чиқаришни мамлакат ичида ташкил этиш истагида бўлади);

- Ҳаражатларни пасайтириш асослари (инвестор паст иш хақи ва ресурсларга эга мамлакатда меҳнат-талаб маҳсулот ишлаб чиқаришга интилади);

- Фойдали казилмаларга кириш учун рухсат олиш асослари (инвестор бошка давлат ҳудудида фойдали казилмаларни казиб олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун казиб олиш корхоналарини қурилишига уз воситаларини жойлаштиради).

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ташқи инвестициялар оқимини кенгайтириш - мамлакат ривожланиши йўналиши ва мавжуд бўлган шароит хусусиятини ҳамда хорижий инвесторларни рағбатлантиришни ҳисобга олувчи стратегияга асосланиши зарур. Бунда, иқтисодий тартибга солиш ва рағбатлантириш чоралари инвестицияларни миллий мақсадларга эришиш учун йўналтириши зарур.

Бугунги кунда бир неча нуқтаи назар-аспектларга таъсир қилиш орқали Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини такомиллаштириш мумкин бўлган масалаларни кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи навбатда - меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси. Ўзбекистонда амал қилаётган қонунлар ТТХИга нисбатан либераллаштириш режими бўйича глобал тенденцияни тўла акс эттирмайди. Бу эса, либерал ҳуқуқий майдонга эга бўлган ТТХИ ни жалб қилишга рақобатлашувчи давлатларга кўра, Ўзбекистоннинг жозибадорлигига таъсир этади. Экспертларнинг фаразларига кўра, хорижий инвесторларга имтиёз ва преференциялар тизимини (хўжалик фаолиятини узгартириш шартларини кафолатлари билан бирга) кўриб чиқиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни тенг ҳуқуқлилиқ тамойили (алохида ҳолатларда хорижий инвесторларнинг ресурс бозорларига киришда маҳаллий инвесторлар билан тенг эмаслиги) билан таъминлашнинг максимал самараси якин йилларда кўринади. Имтиёзлар бериш индивидуал асосда эмас, умумий олиб борилиши ва очик-ойдин бўлиши керак. Имтиёзларнинг самарали тизими катта саноат кластерлари, алохида ҳудудларни ривожлантиришнинг

технологик зоналарини яратишда рағбат бўлиши мумкин. Бундан ташқари, конларга тегишли қонунларнинг яхшиланиши ТТХИни қазиб олиш тармоқларига оқимини кенгайтириш имконини беради.³²

Хорижий инвестициялар оқимини амалдаги инфратузилма - саноат, ташқи иқтисодий ва бизнесга кўмаклашадиган институтлар ҳам таъминлаши керак.

Ўзбекистондаги саноат инфратузилмаси даражаси, Жаҳон банки маълумотларига кўра, кўп кўрсаткичлар кушни минтақалар ва дунёнинг бошқа давлатлари кўрсаткичлари урта даражасига нисбатан юқори. Саноат ва эркин савдо зоналарини ривожлантириш контекстида бу қиёсий устунлик бўлиб ҳисобланади, чунки саноат комплексларини шакллантиришда яхши инфратузилма яратишга катта ҳаражат талаб этилмайди.

Ўзбекистондаги ташқи иқтисодий инфратузилма минтақавий ташаббуслар орқали рағбатлантирилмоқда. Бу соҳада мувозанатли транспорт, транзит, коммуникация ва молиявий инфратузилмаларнинг яратилиши, экспортёрлар учун ташқи савдо чегараларини олиб ташланиши - янги тармоқлар ривожланиши учун бозорлар ва салмоқли захиралар билан таъминлаши мумкин. Ташқи иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик катта ишлаб чиқариш ҳажми, минтақавий ихтисослашув ва кенг кўлам самарасидан фойдаланиш имконини беради. Инфратузилмани ривожлантириш вазибаларига ТТХИ оқимида кўмаклашувчи институтларни яратиш ҳам киради. Улар мамлакатнинг яхши имиджини шакллантирувчи ва бозорни инвестициялаш шарти ва истикболлари хақида маълумот билан тулдирувчи механизм ҳисобланади. Маълумки, бозорнинг очиқ-ойдинлиги бу потенциал

инвесторларнинг мамлакатга ишончининг ошиши шарти, шунингдек инвестициялашдан келадиган фойдани ҳисоблаш имконияти ҳисобланади. 50 га яқин ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибаси тадқиқотлари кўрсатишича, инвестицион промоутинг учун сарфланган ҳар бир доллар,

³² Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида: Қарор 2004 йил 9 февраль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – 2004.- № 6.

миллий иқтисодиёт учун 4 доллар келтирар экан. Бунда конкрет потенциал инвесторлар устидан ишлаб чиқилган маркетинг стратегиялари энг самарали ҳисобланади.

Ўзбекистонда бундай тадбирларга тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш зарур - координацион органни аниқлаш, ҳар хил тизимдан ташкил топган тадбирларнинг умумий графигини янгилаш ва молиялаштиришнинг узгармас манбаларига эгалик қилиш. Шу билан бирга, кўмаклашадиган институтлар тизимини шундай кўриш керакки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан самарали административ режим яратилсин. Мамлакатдаги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ трансакцион ҳаражатларни минималлаштириш ва ташкил этиш жараёнини оптималлаштириш билан таъминлайдиган ташкилий механизмлар фаолият юритиши лозим. Бир неча давлатларда бу вазифани мавжуд вазирлик ёки идоралар бажармокда, бошқа давлатларда бу мақсадлар учун махсус ташкилотлар яратилмокда. 100 га яқин мамлакат хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва бошқаришга жавобгар махсус давлат ва яримдавлат агентликлар яратиш амалиётидан фойдаланди (Канада, Чили, Польша, Вьетнам, Филиппин давлатлари ва бошқалар). Бир қанча мамлакатларда хорижий инвестициялар бўйича агентликлар базавий иқтисодий вазирликларга бўйсунди ёки шу вазирликларнинг мос ихтисослик бўлинмалари яратилган (Австралия, Япония, Хитой).³³

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар яратиш Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлиги томонидан, бир қанча махсус масалалар - Иқтисодиёт Вазирлиги, адлия Вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, демонополизатсия, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат қўмитаси томонидан бошқарилади. Улар фаолиятининг аниқ координацияси - хорижий инвесторларнинг трансакцион ҳаражатларини ва ҳукумат ташкилотларининг административ ҳаражатларини қисқартиради. Бунинг учун Ўзбекистонда

³³ Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Фармон. //Солиқ тўловчининг журнали. -2005.-№4.-4 б.

давлат инспекцияси ташкил этилган бўлиб, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил этилиши билан боғлиқ фаолиятни "бир дарица" усулида ўзлари бажарадилар.³⁴

Давлатда фискал, савдо ва монетар сиёсат бизнесни йўлга қўйиш, мувозанатли инвестицион режимни ривожлантириш учун тенг, рақобатли шароит шакллантириши лозим. Шунда инвестицион фаолияти яхши ишга тушади ва иқтисодий ривожланиш суръатлари тезлашади. Ўзбекистонга хорижий инвестициялар оқими таъсир қиладиган муҳим омиллардан яна бири - хорижий инвесторларни керакли маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Айни вақтда шуни айтиш керакки, республикада Иқтисодиётга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Чунки, улар Ўзбекистондаги сармоя ўтказиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли хабар ва маълумотга эга бўла олмаяптилар.

Шу маънода, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва қўмаклашиш агентлиги - "Узинфоинвест" катта аҳамиятга эга. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларни республикадаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама қўмаклашади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш стратегиясини такомиллаштириш - бу нафакат хорижий шериклар билан ҳамкорликни амалга ошириш, айни пайтда - бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг юксак сифатини таъминлашга ёрдам беради.

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 23 – Т.: Адолат, 2000.

Энг мухими, мамлакатга четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш - бу пировард натижада мамлакатда рақобатбардош, кучли иқтисодий ва барпо этиш ва жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга кўмаклашади.

3.3. Инвестиция фаолиятини бошқариш муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари

Инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Алоҳида диққат ва эътиборни жалб қиладиган муаммо республика ҳудуд ва туманларини ривожланишидаги нотекисликни қисқартириш масаласидир. Бу ТХИ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

Чет эллик инвесторларнинг эътиборини жалб қилиш учун чет эл инвестицияларининг эҳтимоли бўлган оқимлари билан боғлиқ жами масалаларни ҳисобга оладиган, замонавий, рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларидан ташқари олиб борилаётган молия сиёсатини такомиллаштириш ва миллий валюта мавқеини мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Чет эл инвестициялари республика иқтисодиётига жалб қилиш соҳаларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишда қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳудудий мақсадли дастурини ишлаб чиқиш лозим. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ички, ҳам ташқи бозорни тўйинтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида ташкил қилиниши лозим. Бу эса чет эл инвестицияларининг келиш оқимини оширади. Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли мақсадли республика дастурида чет эл технологиялари ва ускуналари билан биринчи навбатда жиҳозланиши лозим бўлган у ёки бу тармоқларни белгилаш лозим. Бунда кўчмас мулк халқаро

молия лизингини кенг ривожлантириш ҳисобига чет эл технологиясини жалб қилишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл мулкани, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, улар олган фойдани четга ўтказишни, инвестицияларни реинвестициялаш ва бошқаларни рўёбга чиқариш реал ижро механизмлари билан таъминланган бўлиши керак. Бу нарсa зарур молия ресурслари ва технологияларни излаб топиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. Фақат шу йўл билан иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ҳозирги шароитларда иқтисодий ўсиш учун фақат жамғариш ва инвестициялашнинг юқори суръатлари етарли эмас.

Шу билан бир қаторда иқтисодий ўсиш учун ТХИ ҳаракатидаги тенденцияларни ҳисобга олиш, инсон капиталига инвестициялар, технологиялар ва техника билимлари соҳаларини ривожлантириш, фан-техника ютуқлари самараларидан фойдаланиш ҳам талаб қилинади. Юқорида тилга олинган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидагилар талаб қилинади: глобал билимларни эгаллаш ва уларга мослашиш, шунингдек маҳаллий даражада билимларни эгаллаш соҳаларини ривожлантириш; билимларни ўзлаштириш ва қўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадларида инсон капиталига инвестицияларни сафарбар этиш; жаҳон ютуқлари ва билимларини эгаллаш ҳамда ўзлаштиришга ёрдам берадиган технологияларга инвестицияларни йўналтириш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа – чет эллик шерикларга капитал қўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, улар ишончини қозонишдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмларини амалга оширишдан иборат.

Инвестиция муҳити инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратиши керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга караганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Инвестиция сиёсати нисбатан катта бўлмаган ва ихчам корхоналар, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши керак. Шундай қилиш керакки, истеъмолчи учун танлаш имконияти, ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодий мусобақада ва инвестицияларнинг молиявий таъминланишида тенг шароитлар бўлсин.

Оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланишга асосланган инвестиция фаолиятини тартиблаш усуллари миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимларини уйғунлаштирилиши асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Тўлақонли бозорда инвестиция муносабатлари давлат томонидан ўрнатилган меъёр ва қоидалар доирасида муайян мулкдорларнинг хусусий манфаатларини тенг ва кафолатланган шартлар асосида амалга оширилишини таъминлайди. Халқаро инвестиция муносабатлари, ички мамлакат муносабатларидан фарқли ўлароқ айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, молия ва кредит муассасалари ва муайян инвесторлар манфаатларини акс эттиради. Ўзбекистонга чет эл сармоялар оқими кенгайиши муносабати билан инвестиция фаолиятини давлат

томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларини самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат тартиблаши кўпроқ хусусий тадбиркорлик соҳиблари ва иқтисоднинг аралаш секторларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этилишига ва бу борада уларни рағбатлантиришга қаратилади.

Бозорга ўтиш даврида ва унинг тўлиқ қарор топишига қадар, бизнинг назаримизда, солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва божхона божини камайтириш, иқтисодиётнинг меҳнатталаб секторларида чет эл инвестициялари жойлаштирилишини рағбатлантириш лозим, бу секторларни ривожлантириш эса айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини яратади. Инвестициялашда биринчи навбатда илмталаб, капиталталаб тармоқларга устуворлик бериш лозим. Чет эллик инвесторлар учун ҳар қандай кафолатлар ва имтиёзлар берилиши мумкин ва айни пайтда улардан мамлакатимиз фуқаролари саломатлиги ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган энг янги ва самарали технологиялар талаб қилмоқ зарур. Янги илғор технологияларни ишлаб чиқувчи ва истеъмолчиси бўлган қўшма корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш, нафақат технологиялар экспортини кўпайтиради, балки янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини техника билан қайта қуроллантиришни ҳам таъминлайди.

Капитал оқимларини у соҳалардан бу соҳаларга самарали ўтказиш механизмини яратиш зарурки (шу жумладан чет эл капитали бўйича ҳам), улар натижасида инвестициялар истеъмол секторида эмас, балки ишлаб чиқарувчи тармоқларда, ҳам давлат ва ҳам нодавлат сектори соҳаларида боғлансин.

Шундай қилиб, бозорга ўтиш босқичида жамғармаларнинг етишмаслиги, ялпи инвестициялар ҳажмида аҳоли маблағлари ҳиссасининг пастлиги объектив зарурат – чет эл инвестицияларини жалб этишдан иборат

бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солишни юзага келтиради. Бу эса амалда бўлган қонун ҳужжатларни соддалаштириш ва барқарорлаштириш йўли билан такомиллаштиришни, шунингдек мамлакатга янги лойиҳалар учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимларини рағбатлантиришни талаб қилади. Рағбатлантириш механизмлари валютани қоплайдиган лойиҳаларни ва маҳаллий хом ашё ресурслари негизидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши талаб этилади.

Республикада инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизимида солиққа тортиш тизими сушт ишга солинган, қўлланилаётган солиқ имтиёзларида халқаро солиқ протекционизми тажрибалари етарли даражада ҳисобга олинмаган эди. ИТТКИ ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш учун инвестиция солиқ кредити етарли даражада қўлланилмайди. Хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантириш, истеъмол инвестицияларини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар ва преференциялар рўйхатини кенгайтириш талаб этилади.

Умуман, улар бўйича солиқ кредитлари, имтиёзлари ва рағбат омиллари иқтисодий субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш ва капитал жамғарилишини рағбатлантириши лозим. Ставкалар миқдорини пасайтиришни, имтиёзлар турларини, солиқ кредитларини, тўловларни кечиктиришни кенгроқ қўллаш, қўшилган қийматни икки томонлама ва ундан кўп солиққа тортишни бартараф этиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш керак. Солиқ солинадиган фойдани қисқартиришнинг реал механизми бу “икки томонлама камайиб борувчи қолдик” кўринишидаги жадаллаштирилган амортизация усулини жорий этиш ва ҳар бир алоҳида ҳолатда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чораларини таъминлашдир.

Мамлакат ҳудудлари ривожланишидаги фарқларни қисқартириш алоҳида эътибор талаб қиладиган масаладирки, бу ТТЧИни мамлакат

минтақалари бўйлаб ёйиб жойлаштиришга қара-тилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

Ҳозирги даврда республикада муайян даражада чет эл капи-талини қабул қилиш тизими шаклланган. Бунда чет эл капиталига нисбатан давлат сиёсатини ифода этадиган ҳуқуқий нормалар, қоидалар ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Чет эл капиталини қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг таркибий қисмига киради ва айти пайтда мустақил ҳисобланади, чунки у бу тизимни ўзгартириш хусусиятига эга.

Бу тизимнинг элементлари қуйидагилардан иборат: чет эл капитали учун солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши; фойдани бошқа иқтисодиётга ўтказишнинг қулай тартиби; миллийлаштиришдан қафолатлар; рўйхатдан ўтказишнинг оддий тартиб-қоидалари; концессиялар бериш; эркин иқтисодий зоналар барпо этиш; акциядорлик капиталида ҳиссани чеклаш; мажбурий экспорт квотасини жорий қилиш; нархларни назорат қилиш; ташқи савдо операцияларини лицензиялаш ва бошқалар.

Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари инсон капитали, технологик ва техникавий билимлар соҳаси ривожлантирилишидаги инвестицияларни кенгайтирилишига қаратилиши зарур. Буларнинг барчаси Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини моделлаштиришни талаб этади, бу билан хорижий инвесторлар саъй-ҳаракатига таъсир этувчи омиллар ҳақида тадрижий тасавур олиш, чет эл инвестицияларини тартибга солиш воситаларини уйғунлаштириш имконларини беради.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида хорижий инвестициялар, айтиқса тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари учун қатор имтиёзлар берилди.

2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб қилиниш ҳажмига қараб уларни сафарбар этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва

кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Мазкур солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми:

- 300 минг АҚШ долларида 3 млн. АҚШ долларида - 3 йил муддатга;

- 3 млн. АҚШ долларида 10 млн. АҚШ долларида - 5 йил муддатга;

- 10 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганда 7 йил муддатга бериладиган бўлди.

Ушбу солиқ имтиёзлари Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ туманларида жойлашган корхоналарга берилди. Бундай имтиёзларни киритилишидан мақсад республика минтақаларида қўшма корхоналарни барпо этиш ва хорижий инвестицияларни жойлаштиришдаги нотекисликни бартараф этишдир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалалари диққат марказида бўлганлиги туфайли 2007 йилда рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, солиқ кредити ва имтиёзларидан кенгрок фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришга илғор замонавий ускуналарни мунтазам киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб қуйидаги қўшимча имтиёзларга эга бўладилар:³⁵

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объектини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида уч йил мобайнида фойдадан олинадиган солиқ базаси тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан камайтирилади;

– ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади;

– солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилади;

– 2007 йил 1 апрелдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан четдан олиб кириладиган технологик жиҳозлар бўйича қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини тўлашда имтиёзлардан фойдаланади. Бундай имтиёз шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиқ имтиёзлари қуйидаги шаклларда қўлланилади:

- фойда солиғидан чегирма тарзида бериладиган солиқ кредити;
- фойда солиғи базасини камайтириш чегирмалари;
- солиқдан бутунлай озод қилиш ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш;
- жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш.

Жадаллаштирилган амортизацияда солиққа тортиш тизими ўзгаришсиз қолади, лекин солиққа тортиладиган фойда камайтирилади (унинг бир қисми солиққа тортилмайдиган харажатларга ўтказилади). Кўпчилик иқтисодчилар солиқ имтиёзларига қарши чиқишади. Уларнинг фикрича, солиқ имтиёзлари ресурсларни самарали тақсимотини таъминламайди, суистеъмолликларни келтириб чиқаради, солиқ тизимининг деформациясини юзага келтиради ва

солиққа тортиш тизимини ўзгартиришда қийинчиликларга олиб келади. Бизнинг фикримизча, инвестицияларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиши кенгайган шароитларда, солиқ кредитидан, имтиёз ва рағбат омилларидан фойдаланиш, аксинча, инвестиция фаолиятини самарали тартибга солишга имконият яратади.

Чет эл инвестицияларининг киришини рағбатлантириш мақсадларида ҳамда чет эл капиталига ўсиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, қарз олувчи томон ўзининг солиқ сиёсатини шундай қайта қуриши керакки, натижада бу сиёсат бошқа мамлакатлар учун интиладиган шароитга айлансин. Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини қўллаш, солиққа тортиш ставкаларини камайтириш, солиққа тортиш базасини пасайтириш ва солиқдан бутунлай озод қилиш каби шакллари қўлланилади. Республикада фойда солиғи бўйича кўпроқ тарқалган имтиёз – бу фойданинг солиққа тортиладиган базасини озод қилиш, қисман озод қилиш ва камайтиришдир. Республикада инвестиция фаолиятини тартибга солиш амалиётида қўлланилаётган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш омиллари тизими мустақиллик йилларида кенгайтирилиб, такомиллаштирилиб борилди.

Қўлланилаётган имтиёзларнинг амал қилиш механизмлари инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестициялари оқимини кўпайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, республиканинг солиқ солиш тизимида (бу тизимда билвосита-эгри солиқлар кўпроқ ўринни эгаллайди) ставкалар, имтиёзлар, солиққа тортиш объектларида барқарорлик йўқ. Асосий капитални шакллантиришда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда, икки томонлама ва ундан ортиқ солиққа тортиш муаммолари мавжуд. Бу тизимда инвестициялар бўйича солиқ кредитларининг турли шаклларида фойдаланиш етарли равишда ривожлантирилмаган эди.

Халқаро тажриба чет эл инвестициялари оқимларини ҳарид қобилияти юқори бўлган мамлакатлар ва минтақаларга интилишини кўрсатади. Чет эл

инвестициялари таклифи шу маҳсулотни ўз мамлакатада ишлаб чиқариб, сўнгра истеъмолчи мамлакатга экспорт қилишдан кўра пировард маҳсулотни экспорт қилиш ўрнига истеъмолчи мамлакатга чет эл инвестицияларини киритишнинг манфаатли, нафлироқ бўлишига боғлиқ. Шу сабабли инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатнинг солиқ тизими бу ҳолатни ҳисобга олиши ва имтиёзлар бериши ёки солиққа тортиш даражасини сақлаган, лекин унинг тузилмасини алмаштирган ҳолда чет эл инвестицияларини солиқдан озод қилиш керак. Чет эл инвестициялари киритувчиларига ва минтақаларга киритиш мақсадларига қараб, ҳар бир муайян ҳолда қўшимча у ёки бу солиқ имтиёзлари ва кафолатлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш мақсадларида инвестициялар бўйича солиқ кредитининг турли шакллари кенгроқ ишга солиш талаб этилади.

Инвестицияларни рағбатлантиришнинг муҳим тадбирларидан бири жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади. Жаҳон амалиётида амортизация ажратмаларининг турли усуллари қўлланилади: эскиришни бир текисда ҳисоблаш (straight line); йиллар йиғиндиси усули (sum-of years digits); икки марта камайиб боровчи қолдиқ усули (double-declining balance); фойдаланиш бирлиги усули (units of production). Амортизацияни ҳисоблашда талаб қилинадиган усулдан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланиши корхоналар учун молиявий воситаларнинг катта қисмини, агар бу маблағлар инвестицияларга йўналтириладиган бўлса, фойда солиғига тортилишдан озод қилиш имкониятларини яратади. Бундай шароитда фойдадан молиялаштириладиган инвестициялар учун имтиёз олиш заруратига ўрин қолмайди.

Жадаллаштирилган амортизация усуллари инвестицияларни рағбатлантиради, чунки солиққа тортиладиган даромадни, демак, солиқлар суммасини анча қисқартириш имконини яратади. Бундан ташқари, инфляция мавжуд бўлган шароитларда бу усуллар ҳисобланган амортизацияларнинг жорий қийматини сақлаш имкониятини беради, уларни бир текисда

ҳисоблаш усулида эса жорий қийматни сақлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, инфляция мавжуд бўлган шароитларда амортизация нормасини инфляциянинг истикболланган даражасини ҳисобга олиб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Турли мамлакатларнинг тажрибалари тасдиқлашича, жадаллаштирилган амортизация:

- капитал жамғарилишини тезлаштириш (чунки яширилган фойданинг жами суммаси капитал қўйилмаларга кетади);
- асосий капиталнинг янгиланишини жадаллаштириш, муайян даражада уни инфляциядан бехатар қилиш ва рақобатбардошликни кўтариш;
- инвестицияга йўналтириладиган фойдани солиққа тортишдан қонуний равишда озод қилиш имкониятларини беради.

3-боб бўйича хулоса

Ўзбекистонда бугунги кунда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш стратегияси имкониятларини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқишда, энг аввало, инвестицион муҳитнинг яхшиланишига эътибор бериш лозим. Чунки, Ўзбекистонга хорижий инвестициялар оқими таъсир қиладиган муҳим омиллардан бири - қулай инвестицион муҳит ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларга нисбатан хорижий инвесторлар диққатини жалб қилувчи бешта омилни келтириш мумкин:

- арзон ва квалитетли ишчи кучининг мавжудлиги;
- узоқ муддатли режада бозор ҳажми ва ўлчамлари;
- мамлакатнинг жўғрофик жойлашуви;
- бой табиий захираларнинг мавжудлиги;

Инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Бу ТХИ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа – чет эллик шерикларга капитал қўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, улар ишончини қозонишдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмларини амалга оширишдан иборат.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хорижий инвестициялар иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар чуқурлашган сайин инвестициялар, хусусан хорижий инвестициялар тўғрисидаги билимларга эга бўлишнинг ҳаётий муҳимлиги ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлимни ярата олди, ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратди.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда етарли ташкилий-ҳуқуқий тизим яратилган. Қуйидаги асосий қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистонда давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислохотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади – иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш, корхоналар ва компанияларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, номарказлашган инвестициялашга концентрациялаштириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури – ички ва ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши ҳисобга олинган ижтимоий-иқтисодий ва хусусий хўжалик қарорлари мажмуаси бўлиб, маблағлардан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакат ичига ва хорижга киритилган сармояларнинг йўналиши ва жойлашувини белгилайди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва

маънавий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг кўтарилиши ва бутун инфраструктуранинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция ва инвестиция дастурига боғлиқ. Инвестиция дастури давлатнинг инвестиция маблағларини мамлакатда моддий бойликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сафарбар қилиш вазифасидан иборатдир.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибadorликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсди.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Ўзбекистонда бугунги кунда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос қилиш мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини, энг аввало тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий ҳудудлар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;

- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;

- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;

- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга янада кенгроқ жалб этилишига имкон беради деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 12 декабр 52/1-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони. 13.04.2012.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармони

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 май "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

17. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Фармон. //Солиқ тўловчининг журнали. -2005.-№4.-4 б.

18. Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида: Қарор 2004 йил 9 февраль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – 2004.- № 6.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

19. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

20. И.А. Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. "Халқ сўзи" газетаси, 20 январ 2012 йил.

21. Каримов И.А. "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

22. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2010 йил, 30 январ, 2-бет.

IV. Асосий адабиётлар

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: "O'qituvchi" НМИУ. 2013.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – "Ўқитувчи" НМИУ, 2012. – 282 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

26.G.G'. Nazarova va boshqalar. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik. T.: TDIU, "Iqtisodiyot", 2011.

27.Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нейматов И.У. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ 2009.

28.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

29.Шарп У. , Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с англ. М: ИНФРА-М, 2007.

30.Щегорцов В.А., Таран В.А. Мировая экономика. Мировая финансовая система. Международный финансовый контроль: Учебник.. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.

31.А.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари – Тошкент, ТДИУ, 2005 й.

32.Д.Ғ.Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия. 2003.

33.Ваҳобов А. В., Жумаев Н. Х., Умаров Б. А. "Халқаро молия муносабатлари". Дарслик. Т.: "Шарқ". 2003.

34.Парлова Л.И. Финансовый менеджмент. Управление денежным оборотом предприятия: Учебник для ВУЗов, М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995.

V. Қўшимча адабиётлар

35.Mahmudov N.M., Eshov M.P va boshqalar. Jahon iqtisodiyotiga integratsiya. O'quv qo'llanma. T.: TDIU, 2011, 200 b.

36.Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

37. Ҳайдаров М. Халқаро молия бозорлари тараққиёти глобаллашув жараёнида. Ўқув қўлланма. Т.: "Фан" 2003 й.

38.Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. Монография. Т.: "Академия" 2003.

39.Н.Н.Расулов. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. -Т.: «ФАН», 2003. -165 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

40.Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.

41.Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

42. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор. Uz.2008, № 17.

43. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий - иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: О‘zbekiston, 2011. – 140 б.

44. Analytical report «Of the world economic situation and prospects in 2011», New York-Geneva, UN, 2011.

45. World Development Indicators 2011. Structure of Output. – International Bank for Reconstruction and Development/World Bank. – Washington D.C., April 2012.

46. Dictionary of Foreign Trade. by F. Henus Sec/ Ed. N4., 1947, P.387.

VII. Интернет сайтлар

47. www.gov.uz

48. www.press-service.uz

49. www.mfer.uz

50. www.UzA.Uz.


51. www.review.uz

52. www.cer.uz

53. www.mfa.uz

54. www.uzinfoinvest.uz

ИЛОВАЛАР



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда³⁶

1-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

2-жадвал

ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

³⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

3-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

4-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим секторларининг улушини ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	200 0	200 5	200 6	200 7	200 8	200 9	201 0	201 1
ЯИМ ўсиши – жами (%да)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларини ЯИМ жами ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ривожлантиришнинг
макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан
фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қўйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107-109
Давлат бюджети камомади (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли қарори, 2012 йил 25 декабрь.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари³⁷**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, %	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, млн. АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, %	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Қарори.

7-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози


№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.


8-жадвал

2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объект ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрин, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8549



2-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.³⁸



3-расм. Мамлакатимизда 2012 йилда экспорт қилинган товар ва хизматларнинг таркиби

³⁸ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-6; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³⁹

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда⁴⁰

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

³⁹ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

⁴⁰ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

**Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий
параметрлари⁴¹**

млн. сўм

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	20721845	23679701
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси) - Олий таълим муассасаларининг моддий- техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қийлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: АТБ “Қийлоқ қурилиш банки”нинг қийлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

⁴¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари

**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар ⁴²**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизда пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизда буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремнини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизда когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калилий ўғит заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш	254,8
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74

⁴² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда ҳорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

